

Танбех



13:52 / 06.04.2023 1971

Сўфи Оллоёр «Саботул ожизин» асарида бир ҳикояни келтиради: «Абдуллоҳ ибн Муборак саҳрода йўлдан адашибди. Юриб-юриб, узоқдан бир қудуқни кўргач, энди арқон ва бир челақ бўлсайди, деб кўнгилдан ўтказди».

Қудуққа яқин боргач, челақ ҳам, арқон ҳам йўқ, сув анча пастда эди. Ибн Муборак ҳайрон бўлиб бир четга бориб ўтирди. Шу пайт саҳро қўйнидан бир кийик қудуқ томон кела бошлади. Етиб келгач, тумшуғини қудуққа суққан эди, сув кўтарилди, ҳатто қудуқдан тошиб чиқди.

Кейин сув ичиб яна саҳро бағрига кириб, ғойиб бўлди. Бундан ҳайрону лол бўлган Абдуллоҳ югуриб қудуқ бошига борди, сув эса Абдуллоҳ етиб боргунича яна пастлаб кетди.

Шунда унинг қалбидан бир нидо отилиб чиқди ва деди: «Ё Раб, берурсан оҳуга об, менга бермассан, Эй султон ваҳҳоб». Шу пайт Абдуллоҳ ибн Муборакнинг қалбига бир нидо келди: «Ўша сен кўрган оҳу саҳрога ризқ истаб чиққан пайтда мендан бошқага таваккал қилмаган эди. Сен эса кудуқни кўрибоқ қалбингни челақ ва арқон ташвиши эгаллади».

Ибн Муборак бу нидони эшитиб, беҳол бўлди, бу танбеҳдан қалбида завқ дарёси жўш урди ва шундан сўнг умри охиригача чанқамади.

Ҳа, дўстлар! Аллоҳ Ўз дўстларининг қалбидаги бир лаҳзалик ғафлат учун ҳам танбеҳ беради. Зеро, буюк чўққидаги одамнинг хатари ҳам буюк бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

«Кишининг тириклигида ва соғлигида бир дирҳам садақа қилгани, ўлим арафасида юз дирҳам инфоқ қилганидан яхшироқдир».

Саҳиҳ ибн Ҳиббон.